Hujjat 2013 yil 8 aprel holatiga

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

193 «2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1507-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 12-сон, 98-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 11 августдаги 169-сон «2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1507, 2005 йил 11 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 261-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир **З. РУЗИЕВ**

Тошкент ш.,
2013 йил 1 апрель,
56-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири ***А. АЛИМОВ***

2013 йил 1 апрель

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ***Х. ШЕРМАТОВ***

2013 йил 1 апрель

WWW.LEX.UZ